

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

**PEDAGOGIK OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA TA’LIM JARAYONINI
TASHKIL ETISHDA AMALIYOT BILAN UZVIYLIGINI TA’MINLASH
MASALALARI**

**Respublika miqyosidagi ilmiy va ilmiy-texnik konferensiya
2024-yil, 15-oktyabr**

**Republic-wide scientific and scientific-technical conference
ISSUES OF ENSURING INTEGRATION WITH PRACTICE IN
ORGANIZING THE EDUCATIONAL PROCESS IN INSTITUTIONS OF
PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATION
October 15, 2024**

**Республиканскую научно-техническую конференцию на тему
«РОЛЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА
ВЗАИМОСВЯЗИ С ПРАКТИКОЙ В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВЫСШИХ
УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ»,
которая состоится 15 октября 2024 года**

JIZZAX – 2024

o'yinlar kabi ko'rgazmali qurollar muhim ahamiyat kasb etgan. Xulosa qilib aytganda, visual vositalarning ahamiyatini dars jarayonida ko'rish mumkin. Ehtimol, dars muhiti o'zgarishi yoki visual vositalar rivojlanishi mumkin, shunga qaramay, ko'rgazmalilik hali ham o'z ahamiyatini yo'qotgani yo'q. Aksincha, u kompyuterga asoslangan qurilmalar, proyektor va elektron doskalar kabi yangi, zamonaviy ko'rinishlarda takomillashib bormoqda. Ko'rgazmalilik hali ham dars jarayonida qo'shimcha material sifatida o'z ahamiyatini ko'rsatib kelmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Collias, K. (2014) Visual thinking and student learning. Retrieved March 5 from <http://knowwithoutborders.org/visual-thinking-and-student-learning/>
2. Finley, T. (2014). Common Core in Action: 10 Visual Literacy Strategies. 67 Retrieved February 3 from <https://www.edutopia.org/blog/ccia-10-visualliteracy-strategies-todd-finley>
3. Thornbury, S. Methodology: The Natural Approach, (n.d.) Retrieved March 2 from <http://www.onestopenglish.com/methodology/ask-the-experts/methodology-questions/methodology-the-natural-approach/146401.article>
4. Umarova, M. (2022, November). Talabalarning SoZlashuv Qobilyatini Oshirishda Visual Vositalardan Foydalanish Samaradorligi. In " ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 164-166).
5. Umarova, M. (2023). THE HISTORY AND SIGNIFICANCE OF VISUALIZATION IN LANGUAGE LEARNING. DENMARK" THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF SCIENTIFIC PROGRESS IN MODERN SOCIETY", 14(1)

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хуррамов Мусурмон Келдиёрович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*“Халқаро муносабатлар” кафедраси катта ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

Аннотация

Мазкур мақола олий таълим муассасалари фаолиятига сунъий интеллект технологиясини жорий этишининг ижобий ва салбий жиҳатлари, етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг олий таълим тизимида сунъий интеллект технологиясини татбиқ этиш борасидаги тажрибалари ҳамда дars жараёнида Chat GPT платформасидан фойдаланиш масалаларига бағишланган. Шунингдек, мақолада олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган дастлабки чора-тадбирлар ҳамда олий таълим тизимида сунъий интеллект платформалари имкониятларидан самарали фойдаланиш усуллари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: сунъий онг, ахлоқий мулоҳазалар, индивидуал таълим, маълумотларга асосланган таҳлил, интеллектуал тьюторлик тизимлари, Chat GPT.

Аннотация

Данная статья посвящена положительным и отрицательным аспектам внедрения технологий искусственного интеллекта в деятельность высших учебных заведений, опыту ведущих зарубежных вузов по применению технологий искусственного интеллекта в системе высшего образования, а также использованию платформы Chat GPT в ходе занятий. Также в статье исследуются первоначальные меры, которые следует предпринять высшим учебным заведениям, и пути эффективного использования возможностей платформ искусственного интеллекта в системе высшего образования.

Ключевые слова: искусственный интеллект, этические рассуждения, персонализированное обучение, аналитика на основе данных, интеллектуальные системы обучения, Chat GPT.

Annotation

This article is devoted to the positive and negative aspects of the introduction of artificial intelligence technologies into the activities of higher educational institutions, the experience of leading foreign universities in the use of artificial intelligence technologies in the higher education system, as well as the use of the Chat GPT platform during classes. The article also explores the initial steps that higher education institutions should take and how to effectively harness the power of artificial intelligence platforms in higher education.

Key words: artificial intelligence, ethical considerations, personalized learning, data-driven insights, intelligent tutoring systems.

Маълумки, сўнгги йилларда жадал ривожланаётган сунъий интеллект технологияси инсон фаолиятининг барча соҳаларига, жумладан, олий таълим тизимида ҳам чуқур кириб келмоқда. Айрим етакчи хорижий олий таълим муассасалари аллақачон сунъий интеллект технологиясини ўз фаолиятида қўллашни бошлаган бўлса, кўпчилик олий таълим ташкилотлари эса ҳали-ҳамон мазкур технологияни татбиқ этиш бўйича бир қарорга келмаган. Бунга олий таълим муассасаси ходимларнинг сунъий интеллектни ўз соҳаси доирасида қўллаш бўйича зарур билим, кўникма ва тажрибага эга эмаслиги, ахборотни ҳимоялаш бўйича янгича механизмлар ишга туширилмаганлиги ҳамда ҳар қандай янгиликка нисбатан инсонларда бўладиган табиий хавфсираш ҳолатлари сабаб бўлмоқда. Шунингдек, сунъий интеллектни жорий этиш олий таълим муассасаларига нима беради?, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари нималардан иборат? деган саволлар ҳам кун тартибига чиқмоқда.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, **олий таълим муассасалари фаолиятига сунъий интеллект технологиясини татбиқ этиш уларга қуйидаги устунликларни тақдим этади[1, 27]:**

1. Индивидуал таълим (Personalized Learning): Сунъий интеллект талабаларнинг билим даражаси ва салоҳиятига қараб мослаштирилган ўқув дастури ва контенти яратиш орқали индивидуал таълимни таъминлашга ёрдам беради. Шунингдек, сунъий интеллект талабалар фаолиятини таҳлил қилиш, билим ва кўникмаларидаги камчиликларни аниқлаш ва таълим натижаларини яхшилаш учун мослаштирилган тавсиялар бериши мумкин.

2. Юқори самарадорлик (Enhanced Efficiency): Сунъий интеллект технологиялари баҳолаш, режалаштириш ва ҳужжатларни юритиш каби маъмурий вазифаларни автоматлаштириши мумкин. Бу эса, ўз ўрнида, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг иш юкини камайтириши ва меҳнат унумдорлигини ошириши мумкин.

3. Интеллектуал тьюторлик тизимлари (Intelligent Tutoring Systems): Сунъий интеллектга асосланган таълим технологиялари талабаларнинг сўровларига дарҳол жавоб қайтариши, таклиф ва тавсиялар бериши ҳамда йўл-йўриқлар кўрсатиши мумкин. Мазкур технология талабаларга ўз тезлигида таълим олиши учун қўшимча тушунтиришлар, интерфаол машқлар ва шахсий тавсияларни таклиф қилиши мумкин.

4. Маълумотларга асосланган таҳлил (Data-Driven Insights): Сунъий интеллект катта ҳажмдаги таълим маълумотларини тезкорлик билан қайта ишлаш қобилияти орқали таҳлилий ҳужжатларни осон ва вақт йўқотмасдан тайёрлаш имконини беради. Сунъий интеллект ёрдамида тегишли маълумот ва тенденцияларни таҳлил қилиш орқали олий таълим муассасасалари ўқув дастурларини такомиллаштириш, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш ҳамда ўз фаолиятини яхшилаш учун маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

5. Фойдаланиш имконияти ва инклюзивлик (Accessibility and Inclusivity): Сунъий интеллект муқобил ўқув платформалари, мослашувчан ва ёрдамчи технологияларни тақдим этиш орқали ногирон ёки махсус эҳтиёжга эга бўлган талабаларнинг таълим олиш

жараёнини янада оsonлаштиради. Бу инклюзивликни рағбатлантириши ҳамда таълим олиш имкониятини барча тоифадаги талабалар учун очиқ ва қулай қилиши мумкин.

6. Плагиатни аниқлаш (Plagiarism Detection): Сунъий интеллектга асосланган плагиатни аниқлаш воситалари профессор-ўқитувчиларга талабаларнинг ишини илмий ресурслар ва нашр этилган материалларнинг кенг маълумотлари базалари билан таққослаш орқали кўчирмачилик иллатларини аниқлашда яқиндан ёрдам беради.

Олий таълим суассасаларида сунъий интеллект технологиясини жорий этиш ўз ўрнида қуйидаги салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин:

1. Ахлоқий мулоҳазалар (Ethical Considerations): Олий таълимда сунъий интеллектдан фойдаланиш маълумотлар махфийлиги, алгоритмик тарафкашлик ва шаффофлик каби ахлоқий муаммоларни келтириб чиқаради. Олийгоҳлар сунъий интеллект тизимларини интеграция қилиш жараёнида ижтимоий адолат, жавобгарлик ва шаффофлик масалаларини жиддий ўйлаб кўриши ҳамда тақдим этилаётган маълумотлар ахлоқ қоидаларига зид бўлмаслигини таъминлаши жуда муҳимдир[2, 52].

2. Инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг етишмаслиги (Lack of Human Interaction): Сунъий интеллект талабанинг билим олиш бўйича тажрибасини яхшилаши мумкин, аммо у профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро жонли мулоқотнинг ўрнини тўлиқ эгаллай олмайди. Аксарият талабалар ҳали ҳам профессор-ўқитувчилар ва тенгдошлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишни хоҳлашади.

3. Реализация қилиш муаммолари (Implementation Challenges): Сунъий интеллект технологияларини мавжуд олий таълим тизимларига интеграция қилиш мураккаб жараён бўлиб, катта ресурс ва маблағ талаб қилиши мумкин. Шу сабабли олий таълим муассасалари сунъий интеллект технологияларини ўз фаолиятига самарали жорий этишлари учун инфратузилма, кадрлар тайёрлаш ва доимий техник таъминот тизимларига сармоя киритишлари лозим бўлади.

4. Иш жойини ўзгартириш билан боғлиқ муаммолар (Job Displacement Concerns): Сунъий интеллект маълум вазибаларни автоматлаштиргани сабабли, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва бошқарув ходимлари иш ўринларининг қисқариши ёки иш жойини ўзгартириш каби ҳолатлар юзага келади. Шунга қарамадан, олийгоҳларда сунъий интеллект тизимини ишлаб чиқувчи дастурчилар, маълумот таҳлилчилари ва таълим технолоғлари каби янги иш ўринлари ҳам яратилиши мумкин[3, 112].

5. Технологияга ҳаддан ташқари ишониш (Overreliance on Technology): Тегишли текширув ўтказмасдан туриб сунъий интеллект тизимларига ҳаддан ташқари ишониш талабаларда танқидий фикрлаш, ижодкорлик ва муаммоли ҳолатларга ечим топиш каби қобилиятларнинг пасайишига олиб келади. Талабаларнинг самарали билим олишларини таъминлаш учун сунъий интеллект ва инсонга йўналтирилган таълим ўртасидаги мувозанатни сақлаш лозим бўлади[4, 67].

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларида сунъий интеллектни жорий этиш билан боғлиқ ижобий ва салбий фикрларга қарамадан, ҳозирги вақтда, етакчи хорижий олий таълим муассасалари сунъий интеллект технологиясини ўз фаолиятининг турли йўналишларига татбиқ этиб, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳаётини енгилаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

Масалан, **АҚШнинг Жоржия давлат университети (Georgia State University)** талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда уларнинг фанлардан академик қарздор бўлишининг олдини олиш мақсадида **“Поунс” (Pounce)** номли сунъий интеллект чатботини ишга туширган. Мазкур чатбот, бир томондан, талабаларга академик маслаҳат беради, иккинчи томондан эса, уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашади. Шунингдек, Поунс талабаларга йўл-йўриқ кўрсатади, улар дуч келган муаммоларни ҳал этиш бўйича ечимлар таклиф қилади ва талабаларни тегишли манбаларга

йўналтиради. Чатботнинг ишга туширилиши университетда талабалар фаоллигининг ошишига ва академик натижаларининг яхшиланишига катта ҳисса қўшди[5, 48].

Австралиянинг Сидней технология университети (University of Technology Sydney) талабаларга индивидуал мослаштирилган ўқув контенти тақдим этиш учун сунъий интеллектни университетнинг онлайн ўқув платформасига интеграция қилган. Мазкур тизим талабаларнинг ўрганиш усуллари ва улар афзал кўрган ўқув ресурсларини таҳлил қилиб, тегишли ўқув материалларини қўшимча ўрганиш бўйича турли имкониятларни таклиф қилади[6, 95].

Лондон Империял коллежи (Imperial College London) амалга оширилаётган тадқиқот ишларида сунъий интеллект технологиясидан фойдаланишни йўлга қўйган. Коллеж тадқиқотчилари мураккаб маълумотлар тўпламини таҳлил қилиш, соғлиқни сақлаш, иқлимшунослик ва муҳандислик каби соҳаларда прогнозларни тўғри амалга ошириш учун машинани ўрганиш алгоритмларидан унумли фойдаланиб келмоқда. Сунъий интеллектга асосланган тадқиқотлар Лондон Империял коллежида турли илмий соҳаларнинг жадал ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда[7, 189].

АҚШнинг Иллинойс Урбана-Шампейн университети (University of Illinois Urbana-Champaign) онлайн имтиҳонлар учун сунъий интеллектга асосланган кузатув тизимини жорий қилган. Мазкур тизим имтиҳон жараёнлари давомида талабаларни масофадан туриб кузатади ҳамда потенциал фирибгарликнинг олдини олишга ёрдам беради. Сунъий интеллект талабаларни масофавий баҳолайди ҳамда академик ҳалоллик ва адолатни таъминлашга қўмаклашади.

Австралиянинг Декин университети (Deakin University) талабаларнинг руҳий саломатлиги ва фаровонлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида сунъий интеллект технологиясидан фойдаланишни йўлга қўйган. Университет “Габбӣ” (Gabby) исми сунъий интеллектга асосланган виртуал маслаҳатчини ишга туширди. Ушбу маслаҳатчи руҳий ёрдамга муҳтож талабаларга психологик маслаҳатлар беради ва талабаларнинг ҳиссий ва руҳий зўриқиш ҳолатларининг олдини олишга қўмаклашади.

Норвегиянинг Берген университети (University of Bergen) хорижий тилларни ўрганиш курсларида сунъий интеллект технологиясидан фойдаланишни жорий этган. Сунъий интеллект асосида ишлайдиган платформа турли хорижий тилларни ўрганаётган талабалар учун мослашувчан машқлар, талаффуз бўйича фикр-мулоҳазалар ва матнга асосланган тил машғулотларини таклиф қилади[8, 32].

АҚШнинг Аризона давлат университети (Arizona State University) талабаларнинг таълим олиш жараёнини индивидуаллаштириш мақсадида сунъий интеллектга асосланган мослашувчан ўқув платформаларини жорий қилди. Ушбу платформалар университет онлайн таълим дастурлари самарадорлигини максимал даражада ошириб, тақдим этилаётган ўқув курсларининг мазмуни ва мураккаблик даражасини талабаларнинг билим даражасига мослаштирди[9, 123].

Сингапур Миллий университети (National University of Singapore) башоратли моделлаштириш усули орқали академик қарздор бўлиш хавфи юқори бўлган талабаларни аниқлаш мақсадида сунъий интеллектдан технологиясидан фойдаланишни йўлга қўйган. Сунъий интеллект академик қарздор бўлмаслик учун астойдил интилаётган талабаларга мақсадли ёрдам кўрсатиш орқали талабаларнинг умумий ўзлаштириш кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам беради[10, 74].

Бундан ташқари, кўплаб хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари дарс машғулотлари жараёнида **Chat GPT** (Chat Generative Pre-Trained Transformer) - сунъий интеллектга асосланган чатбот имкониятларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Жумладан, профессор-ўқитувчилар Chat GPTни ўз фаолиятининг ёрдамчи воситаси сифатида қуйидаги кўринишларда қўллашлари мумкин:

- Chat GPT ёрдамида дарс машғулоти сценарийсини ишлаб чиқиш, маъруза ва мавзу бўйича тақдимот матнини тайёрлаш мумкин;
- Chat GPT воситасида тегишли мавзуга оид саволлар тузиш мумкин;
- Chat GPT ёрдамида жумбоқли кейслар, симуляцион ўйинлар ва талабаларда қизиқиш уйғотадиган илғор ўқитиш усуллари яратиш мумкин;
- Chat GPT воситасида мустақил иш мавзулари, оралик ва якуний назорат саволларини тузиш мумкин;
- Хорижий тил ўқитувчилари Chat GPT ёрдамида тегишли мавзуга оид луғат тузиши, грамматик машқлар ҳамда талабаларда талаффуз кўникмаларини шакллантирадиган топшириқлар яратиши мумкин;
- Chat GPT воситасида тегишли мавзуга оид лойиҳа яратиш, мақола ва тезис мавзуларини шакллантириш мумкин.

Умуман олганда, сунъий интеллект ютуқларидан унумли фойдаланиш олий таълим муассасаларига кенг имкониятларни тақдим этади, бироқ сунъий интеллект технологиясини жорий этиш жуда катта маблағ талаб қилади. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, сунъий интеллект томонидан тақдим этилаётган маълумотлар ҳар доим ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, маълумотларни бир қарра текшириб, муқобил маълумотлар билан таққослаб чиқиш лозим.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- Олий таълим муассасаларининг талабаларга хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун ОТМ платформасига сунъий интеллект технологиясини интеграция қилиш;
- Масофавий таълим шаклида тахсил олаётган талабаларнинг фаолиятини тўлиқ назорат қилиш учун HEMIS ва ОТМнинг ўқув платформасига сунъий интеллект технологиясини жорий этиш;
- Олий таълим муассасаларининг тьюторлари ва психологлари фаолиятига ёрдам берадиган сунъий интеллектга асосланган чатботни ишга тушириш;
- Олий таълим муассасаларининг якуний назорат имтиҳонларида талабалар томонидан фрибгарлик ҳолатлари содир этилмаслигининг олдини олиш учун кузатув камераларига сунъий интеллект технологиясини интеграция қилиш;
- Олий таълим муассасаларининг сунъий интеллект технологиясини яхши тушунадиган ходимлари томонидан профессор-ўқитувчилар учун дарс машғулотлари давомида Chat GPT платформаси имкониятларидан кенг фойдаланиш масалалари юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкил этиш;
- Сунъий интеллект технологиясини олий таълим тизимида қўллаш бўйича билим ва тажрибага эга экспертларни жалб этган ҳолда олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқотчилари томонидан сунъий интеллект технологиясини илмий ишларни ёзишда қўллаш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш.
- Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан эълон қилинадиган амалий ва инновацион лойиҳалар танловининг “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фанлари” йўналишига тақдим этилаётган сунъий интеллектга асосланган платформаларни олий таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш мазмунидаги лойиҳаларни кўпроқ молиялаштириш;
- Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази томонидан “Олий таълим муассасалари фаолиятига сунъий интеллект технологиясини жорий этиш” номли методик қўлланма тайёрлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Artificial Intelligence in Education: Promises and Implications for Teaching and Learning” edited by Rose Luckin, Wayne Holmes, Tiffany Barnes, and Xiangen Hu (2019), p.184.

2. "Artificial Intelligence in Education: 22nd International Conference, AIED 2021, Utrecht, The Netherlands, June 15–19, 2021, Proceedings" edited by Ken Holstein, Bodong Chen, Arvid Kappas, Sadhana Puntambekar, and Yanyan Li (2021), p.52-56.
3. "Intelligent Tutoring Systems: 15th International Conference, ITS 2021, Athens, Greece, June 22–27, 2021, Proceedings" edited by Ioannis M. Hatzilygeroudis, Sergey A. Karpov, George Pavlidis, and Antonija Mitrovic (2021), p.112-116.
4. "The Future of AI in Education: Ethical, Legal, and Social Issues" edited by Danilo Persi Paoli and Benedict du Boulay (2022), p.235.
5. "Artificial Intelligence and the End of Work: The Human Advantage" by Nigel M. de S. Cameron (2022), p.218.
6. "Artificial Intelligence in Education: 20th International Conference, AIED 2019, Chicago, IL, USA, June 25–29, 2019, Proceedings" edited by M. Felisa Verdejo, Stephanie D. Teasley, and Yanyan Li (2019), p.95-99.
7. "Artificial Intelligence in Education: 21st International Conference, AIED 2020, Ifrane, Morocco, July 6–10, 2020, Proceedings" edited by Dragan Gašević, Mathieu d'Aquin, Marek Hatala, and Olga C. Santos (2020), p.189-196.
8. "AI in Education: Promise and Implications for Teaching and Learning" edited by Tao Zhang and Stephen J.H. Yang (2019), p.194.
9. "Artificial Intelligence in Education: Cases from the Real World" edited by Wenhao David Huang, Blake Mason, Tiffany Barnes, and Min Chi (2022), p.124.
10. "Artificial Intelligence for Learning: How to use AI to Support Employee Development" by Michael Griffiths (2019), p.262.

SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING MAZMUNI

*Jo'raboyev Sirojiddin Olim o'g'li
Abdurashidov Hasan Doniyor o'g'li*

Maktab menejmenti yo'nalishi 4-bosqich talabasi, Jizzax DPU

Ilmiy rahbar: Nazarov Toshpo'lat

Maktab menejmenti kafedrası o'qituvchisi, Jizzax DPU

Annotatsiya

Mazkur maqolada shaxsga yo'naltirilgan ta'lim o'z mohiyatiga ko'ra ta'lim jarayonining barcha ishtirokchilarini to'laqonli rivojlanishlarini ko'zda tutadi. Bu esa ta'limni loyihalashtirilayotganda, albatta ma'lum bir ta'lim oluvchining shaxsini emas, avvalo, kelgusidagi mutaxassislik faoliyati bilan bog'liq o'qish maqsadlaridan kelib chiqqan holda yondoshishni nazarda tutadi.

Kalit so'zlar: Shaxs, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim, ta'lim texnologiyalari, metodika, o'qitish texnologiyalari, o'quv jarayoni.

Abstract

In this article, person-oriented education, by its essence, envisages the full development of all participants of the educational process. This means that when designing education, it is necessary to approach based on the learning goals related to the future professional activity, and not the personality of a specific learner.

Key words: Person, person-oriented education, educational technologies, methodology, teaching technologies, educational process.

KIRISH. Ta'lim, axloq, kasbiy mahorat va o'quvchilarning faoliyati va muloqotida o'zini o'zi belgilashni, o'zini o'zi o'zgartirishni, insonning tabiiy In'omini ochish va fikrlash qobiliyatini rivojlantirishni birinchi o'ringa qo'yadi. Odamlarda (ayniqsa, bolalarda), shaxs sifatida o'zini o'zi anglashi, uchun genetik jihatdan ajralmas ehtiyoj bor. O'quvchilarga mavzu bo'yicha bilim va ko'nikmalar zarur lekin nafaqat maqsadlar, balki o'z-o'zini rivojlantirishni, o'zini-o'zi harakat